

## VIII. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йил январь-июнда чакана товар айланмаси 4618,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,5 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>4618,4</b>	<b>102,5</b>	<b>100,0</b>

*шу жумладан:* мулкчилик  
шакллари бўйича

давлат мулки	1,2	83,0	0,03
нодавлат мулки	4617,2	102,5	99,97

Йирик савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-июнда 312,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 127,1 фоизни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июнь ойларида 3997,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 фоизни ташкил этди.

### 2018 йил январь-июнда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>4618,4</b>	<b>102,5</b>	<b>100,0</b>

*шу жумладан:*

йирик корхоналари	312,2	127,1	6,8
Кичик тадбиркорлик(бизнес)	3997,0	101,3	86,5
уюлмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	309,2	98,4	6,7


## 2018 йил январь-июнь ойларида чакана савдонинг таркибий тузилмаси



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 80,9 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-июнга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди.

Чакана савдо (умумий овқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 1460,7 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-июнь ойларида 1193,2 минг сўмни ташкил этган).

### Шаҳар ва туманларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши (фоиз ҳисобида)



2018 йил январь-июнда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 3165,4 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 782,1 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,7 фоизини ташкил қилди. 2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш 104,5 фоизни ташкил этди.

**2018 йилнинг январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>жамига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами хизматлар</b>	<b>3165,4</b>	<b>104,5</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	207,2	115,6	6,6
молиявий хизматлар	358,1	122,1	11,3
транспорт хизмати	724,5	101,4	22,9
<i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	700,2	102,0	22,1
яшаш ва овқатланиш хизматлари	98,6	104,9	3,1
савдо хизматлари	1063,3	97,5	33,5
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	103,0	103,3	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	80,4	114,9	2,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	33,1	111,4	1,1
ижара ва прокат хизматлари	92,8	113,6	3,0
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	116,0	101,1	3,7

	млрд. сўм	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	жамига нисбатан фоиз ҳисобида
бошқа шахсий хизматлар	124,0	100,5	3,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	35,0	107,6	1,1
бошқа турдаги хизматлар	129,4	118,6	4,1

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 33,5 фоизи), транспорт (22,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (122,1 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (115,6 фоиз), таълим соҳасидаги хизматлар (114,9 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

**2018 йил январь-июнида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, %да**

